

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
Кузатув кенгашининг
2024 йил “29” апрелдаги
6/24 - сон йиғилиш баёнига
6 - илова

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти
АХЛОҚ КОДЕКСИ

“КИРИТИЛДИ”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
ижроия органи

Тошкент – 2024 йил

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Ушбу кодекснинг амал қилиш доираси
- III. Ходимлар ахлоқий меъёрларининг асосий тамойиллари
- IV. Кодекс меъёрларининг бузилиши тўғрисида хабар бериш мажбурияти
- V. Ходимларнинг иш жойидаги ахлоқий меъёрлари
- VI. Ташқи муҳит
- VII. Манфаатлар тўқнашуви
- VIII. Совғалар ва ҳамкор ташкилотлар билан муносабат
- IX. Якунловчи қоидалар

I. Умумий қоидалар

1. “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) Ахлоқ кодекси (кейинги ўринларда – Кодекс) ички ҳужжат бўлиб, умумий ахлоқий тамойиллар ва қадриятларни, шунингдек ходимларнинг ахлоқий ишбилармонлик хатти-ҳаракатларининг ички меъёрларини белгилайди.

II. Ушбу Кодекснинг амал қилиш доираси

2. Ахлоқ кодекси меъёрлари жамиятнинг Ижроия органи аъзоларига ва барча ходимларига, шунингдек Кузатув Кенгашининг аъзоларига нисбатан қўлланилади. Жамият ходимлари жамиятнинг ахлоқий меъёрларини бузадиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

3. Кодексга риоя этилишини таъминлаш учун жамият ходимлари унинг қоидалари ва тамойиллари билан тўлиқ танишишлари ва унга риоя қилишлари шарт.

III. Ходимлар ахлоқий меъёрларининг асосий тамойиллари

4. Жамият юқори ахлоқий меъёрларни асос қилиб олади ва қуйидаги тамойилларга амал қилади:

Принципиаллик: ҳамкасблар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилишга доимий эътибор бериб бориш.

Адолатлилик: ҳар қандай мижозлар, етказиб берувчилар ва ходимларга тенг муносабатда бўлиш.

Шаффофлик: жамият ходимлари орасида эркин фикр алмашиш/амалий танқид, ҳамкасблар ва мижозларга ҳурмат.

IV. Кодекс меъёрларининг бузилиши тўғрисида хабар бериш мажбурияти

5. Жамият барча ходимлари ушбу меъёрларининг ҳар қандай бузилиши ҳақида хабар беришга лозим. Кодекс меъёрларининг бузулиши ҳақида “Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш сиёсати”га мувофиқ хабар берилиши лозим.

6. Дастлаб ходим ўзининг бевосита раҳбарига ёки юқори раҳбариятга хабар бериши керак. Агар бевосита юқори раҳбар билан боғланиб бўлмаса ёки муаммога алоқадор бўлса, ёки агар ходим муаммо ҳақида ўзининг бевосита раҳбарига хабар қилишни истамаса, кадрлар бўлимига, комплаенс хизматига,

зарур ҳолларда коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раисига хабар бериши лозим.

7. Жамият ноўрин хатти-ҳаракатлар ва/ёки хулқ-атвор ҳақида хабар берган барча ходимларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Жамият томонидан бундай ходимларнинг шахси ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Жамият ноўрин хатти-ҳаракатлар ва/ёки хулқ-атвор ҳақида хабар берганлиги учун ҳеч қандай тарзда ҳеч қандай ходимни жазоламайди

8. Агар инсофсизлик, ифвогарлик, ахборотни манипуляция қилиш ёки бошқа қоидабузарлик исботланадиган бўлса, бундай ҳуқуқбузарлик содир этган ходимга нисбатан интизомий чоралар кўрилади.

9. Жамият ушбу Кодекснинг қонун ва қоидаларини бузиш эҳтимолига алоқадор бўлган ходимларга нисбатан хизмат текшируви ўтказди. Кодекснинг ёки ички тартиб қоидаларнинг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, ходим амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

V. Ходимларнинг иш жойидаги ахлоқий меъёрлари

10. Ходимлар ушбу Кодексда санаб ўтилган тамойилларга риоя қилиниши керак. Барча ходимлар ўз меҳнат фаолиятини амалга оширишда ўз вазифаларини ахлоқий ва профессионал тарзда бажаришлари лозим.

11. Ҳар бир ходим ўз устида доимий ишлаши ва жамият бунга тегишли шарт-шароит яратиб бериши лозим.

12. Иш жойидаги камситиш ва зўравонликка йўл қўйилмаслиги.

13. Жамият зўравонликка мутлақ йўл қилмаслик сиёсатини юритади. Жамият иш жойидаги ходимларига нисбатан зарар, жароҳат ёки бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган ҳар қандай ҳаракатлар, хулқ-атвор, таҳдидларга йўл қўйилмайди.

14. Жамият ходимлари ёши, жинси, ирқи, фуқаролиги, тили, келиб чиқиши, ижтимоий мавқеи ёки эътиқодлари, шунингдек Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ ҳимояланган бошқа хусусиятларига кўра камситишнинг ҳар қандай шаклидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳимоя қилади.

15. Меҳнатни муҳофаза қилиш.

16. Жамият Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ ходимлар саломатлиги ва ҳаёти хавф остида қолмаслиги учун хавфсиз меҳнат муҳитини таъминлаш чораларини кўради.

17. Ходим иш жойида иш вақти давомида ҳар қандай психоактив модда шу жумладан, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларнинг таъсири остида бўлиши қатъиян таъқиқланади.

18. Ходимларнинг ташқи кўриниши.

19. Жамият ходимларининг иш жойида кийимлари тоза, озода ва иш фаолияти мақсадига мувофиқ бўлиши керак. Ишга спорт кийими, пляж кийими, очиқ кийим (шортик, футболка, калта топлар, очиқ кўйлақлар ва ҳоказо), спорт ёки пляж пояфзаллари (кроссовка, кета, вьетнамка, шиппаклар ва ҳоказо) кийиш мумкин эмас.

VI. Ташқи муҳит

20. Жамият атроф-муҳитни асраб авлайди ва бу борада барча қонун ва қоидаларга риоя қилади.

VII. Манфаатлар тўқнашуви

21. Жамият ходимлари эҳтимолий ёки потенциал манфаатлар тўқнашувига олиб келишига мумкин бўлган вазиятларни бартараф этиши шарт.

22. Жамият манфаатлар тўқнаши билан боғлиқ ҳолатлар қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

23. Эҳтимолий ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви ёки манфаатлар тўқнашувининг кўриниши пайдо бўлган тақдирда, ходим бу ҳақида дарҳол жамиятнинг ички назорат органларига хабар бериши шарт.

VIII. Совғалар ва ҳамкор ташкилотлар билан муносабатлар

24. Жамият ҳамкорлар, мижозлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ишбилармонлик алоқаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди.

25. Жамият бошқа ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини олиб боришда корпоратив совғалар ва бошқа ҳаражат жамиятнинг бизнес режасида кўрсатилган ҳаражатлар доирасида амалга оширилади.

IX. Якунловчи қоидалар

26. Жамият ўз фаолияти давомида коррупция, пул ювиш (терроризмни молиялаштириш), махфийлик (тижорат сири) ва бошқа муносабатлар қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг ички тартиб қоидалари (низомлар, буйруқлар) билан тартибга солинади.